

**3-мавзу: Педагогика тарихи. Шарқ  
мутафаккирлари ва Ғарб  
педагогларининг таълим-тарбияга  
қўшган ҳиссалари Россия олимлари  
таълим-тарбия илмидаги  
фаолиятлари.**

**ТОШКЕНТ 2011**

**Жиҳозлар: Электрон доска,  
слайдлар,проектор, үқув қўлланмалар  
("Педагогика" Зиёмуҳаммадов,"Дидактика"  
В.С.Кукушин, "Улуғ дидактика"  
Я.А.Коменский) ва кластер усули.**

*Режа:*

- 1. "Авесто" ва "Қуръони карим" муқаддас китобларида таълим-тарбия ҳақида.
- 2. Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино таълим қонуниятлари ҳақида.
- 3. Ян Амос Коменский "Улуғ дидактика".
- 4. Ўқитишнинг "Олтин қонуни".

■ Педагогиканинг таракқиёт босқичлари барча ўқувчиларга таълим-тарбия бериш санъатининг тарихий жабҳаларда тутган ўрни ва таракқиётининг ривожланиш қонуниятлари, педагогик фикр ва ғоялари ҳакида маълумот беради.



# Фарб олимлари

Чех педагоги Ян Амос Коменский,  
Швейцариянинг машҳур педагоги Иоген  
Генрих Песталоцци, рус баркамол инсон  
тарбиячилари К.Д.Ушинский,  
Н.К.Крупская, А.С.Макаренко,  
В.А.Сухомлинскийларнинг педагогик  
фигр ва қарашлари ўсиб келаётган ёш  
малакали кадрларни тарбиялаш  
жараёнида муҳим туртки беради.

# Я.А.Коменский таълимоти

■ мактаб болани маърифат оламига бошлаганидан уни ҳиссий билишга, ақлий билимга ўргатмоғи лозим дейди. У тарбия ҳақида фикр юритганда, индукция методига таянади, тажрибага сұянади, фактлардан хуросалар чиқаради.

 Я.А.Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асарида ёшлик йилларини тўрт даврга бўлиш зарурлиги таъкидланади.  
Гўдаклик даври, болалик даври,  
ўсмирлик даври, етуклиқ даври.

# И.Г.Песталоццининг дунёқараши

■ бутун халқ оммасининг ҳаётини яхши билиш ва уни кузатиш ҳамда француз маърифатчиларининг, айниқса Ж.Руссонинг ғояларини илгари сурган. У ўзининг “Лингард ва Гертруда”, «Кузатиш алифбоси» асарларида мактабни ташкил қилиш, таълим жараёнида ўқувчиларга меҳнат, жисмоний, ахлоқий тарбия бериш кераклиги таъкидланган.

# Рус педагоглари

- К.Д.Ушинскийнинг “Педагогик антропологиядан тажриба” асари, Н.А.Крупскаянинг «Халқ маорифи ва демократия», А.С.Макаренконинг “Педагогик поэма”, “Болалар тарбияси тўғрисида лекциялар”, «Таълим-тарбия тажрибасидан баъзи хуносалар», В.А.Сухомлинскийнинг “Болаларга жоним фидо”, “Жамоани тарбиялаш методикаси”, “Ёш директор билан сұхбат” асарларининг тарбиявий аҳамияти катта.

# Ўрта Осиёда етишиб чиққан мутафаккирлар

■ А.Н.Форобий, Абу Али Ибн Сино,  
А.Р.Беруний, Имом ал Бухорий, ат-  
Термизий, Аҳмад Яссавий,  
Б.Нақшбандий, Н.Кубро, Кайковус,  
Юсуф Ҳос Ҳожиб, А.Юғнакий,  
М.Қошғарий, М.Беҳбудий, А.Фитрат,  
А.Авлоний ва бошқаларнинг педагогик  
фикrlари, таълим-тарбияга оид  
фоялари, қарашлари ҳамда мерослари  
талаба ёшларимизнинг ҳар томонлама  
маънавий шаклланишида ижобий  
таъсирини кўрсатади.

Инсоният ўзининг тарихий тараққиёти таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш учун маърифий жараёнда объектив қонуниятларни аниқлайди ва шу асосда таълим-тарбия услубларини яратади.

Зардўштийлик динининг муққадас китоби «Авесто»да ҳам таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда: “Тарбия ҳаётнинг энг мухим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши ўқиши, кейин эса ёзиши ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилисинг”, - дейилган. “Авесто”да инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутилиши мумкин, деган улуғ ғоя ётади. Унда аҳлоқийликнинг асоси-саҳоватлилик, деб кўрсатилган. Аҳлоқ-яхши фикр, сўз ва ҳаракат бирлигидан иборат, дейилган.

- Марказий Осиёга Ислом кириб келиши билан бу анъавий сифатлар мустаҳкамланиб бойитилди.
- Ислом ақидалари, унинг аҳлоқий, ҳуқуқий тамойиларнинг асосий манбаи “Қуръони карим”дир. Бу муққадас китоб кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка чорлайди. Ислом одамларни яхшиликка даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-аҳлоқ, руҳий-маънавий поклик ва камолатга, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал қилишга ундейди.
- Ислом динининг маърифатга бўлган ижобий муносабати ислом дунёсида катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди.

■ Бу кўтариқилик бутун Араб халифалигининг, Яқин ва Ўрта Шарқнинг жонланиш даври деб аталди. Бу жараён IX асрдан бошлаб XV-XVIасрларгача давом этди.

■ Шарқ жонланиш даврида илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлди. Биринчи йўналиш-математика - тиббиёт йўналиши, иккинчи йўналиш-ижтимоий- фалсафий ва учинчи йўналиш-таълим-тарбия йўналиши. Бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий- фалсафий ва илмий асарлари тартибида ёки аҳлоқий асарларида баён этсалар, адаб ва тарбияшунос олимлар ўз асарларида таълим-тарбиянинг назарияси ифодаланганлар. Маълумки, Шарқ жонланиш даврида инсон муаммоси маънавият соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган.

■ Шарқ жонланиш даврининг мутафаккир олимларидан бири Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир. У математика соҳасида янгилик яратган назариётчи ҳамда маърифатчи олим сифатида тарихда ном қолдирди. “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жарб вал-муқобала” асарида сонли квадрат ва чизиқли тенгламалар, уларни ечиш йўлларини баён этди.

■ Хоразмий билим беришда талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимлардан фойдаланишига катта эътибор берди. Бунда у билим изловчиларнинг илмий тадқиқот манбаларини тўплаш, улардан фойдаланиш ва кузатганларни тушунтира олиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишларига катта аҳамият беради.

- Кўпчилик мутаффакирлар қатори Хоразмий ҳам билим беришнинг кўргазмали тажриба усуллари, савол-жавоб, кўникумга ва малакаларини шакллантиришда билимларни синаш усулларидан фойдаланган.
- Хоразмий билишни сезгидан мантиқий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳақида фикр айтган: “Сезги орқали билиш қисман билиш бўлса, мантиқий билиш эса ҳақиқий билишнинг муҳим томонини намоён этади.”
- Хоразмий билиш назариясига муҳим ҳисса қўшиб, биринчилардан бўлиб синов-кузатиш ва синов усулларига асос солди, самовий жисмларнинг харакатининг акс эттирувчи жадвал асосида математик масалаларни алгоритм усулида ечишни ишлаб чиқди.


- Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир **Абу Наср Форобий** номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга.
- Форобий ўз асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ҳақида фикр юритади. “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт ва саодатга эришув тўғрисида”, “Иҳсо ал-улум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

- Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиласиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, деб билади. У таълим-тарбияга биринчи бўлиб таъриф берган олим.
- Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш;
- таълим-тарбиянинг назарий фазилатларини, маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим.
- Форобий фикрича, инсоннинг энг юксак хусусияти унинг бахтга эришганлигидадир. Бахтга эса, дейди аллома, фақат фойдали билимларни ўзида жамлаш орқали эришиш мумкин. Чунки инсон дилроҳатининг энг юқори чўққиси- билим олиш жараёнидадир.

- Киши бахтга фақат мақтов ёки фақат койиш эшитиш орқали эриша олмайди. У бахтга ҳам койишлар, ҳам мақтовлар орқали эришиши мүмкін, назарий билимлар билан бир қаторда киши ахлоқ ва одобга ўрганиб борилади, ҳақиқат ва яхшилик бир-бирига үйғундирлар. Билим олиш ёрдамида киши ҳақиқатни англаса, ахлоқ ва одобли киши яхшиликни била олади, дейди олим.
- Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда Форобий икки усулдан фойдаланишини тавсия қиласи. “Юмшоқ усул”- билим олишга иштиёқи зўр бўлса; “қаттиқ усул”-агар ўқишига хоҳиши бўлмаса, яъни мажбурлаш усули.

- Форобийнинг билиш назариясига оид диалектик фикрлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг фикрича:  
биринчидан, билим босқичига ўтиш икки йўл ёрдамида амалга ошади: 1.синтез; 2. анализ . Форобий бу усулларни индукция, дедукция усуллари ёрдамида амалга оширган;
- иккинчидан, билимни ёд олиш усулига нисбатан маъносини тушуниш анча афзалдир;
- учинчидан, аёлларнинг билим олиш қобилияти эркакларнинг билим олиш қобилияти билан бирдай деб ҳисоблайди.
- Яна Форобий тарбия жараёнининг муваффақиятли кечиши учун тарбия берувчининг ўзи тарбияли бўлмоғи шарт дейди ва тарбия берувчининг бир қатор сифатларини таърифлаб беради.

- Шарқда машҳур бўлган алломалардан бири, ўрта асрнинг буюк мутафаккирлари Абу Али ибн Синодир.
- Малумки, Абу Али ибн Сино ҳам бошка мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини фалсафий, ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодаланган, маҳсус рисолаларда талқин қилган.
- Абу Али ибн Сино таълим усуллари ҳақида таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак, дейди олим.



- Ибн Сино болларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълим-тарбияда қуидаги тамойилларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:
  - болларга таълим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
  - таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
  - олиб бориладиган машқлар болларни ёшига мос бўлиши;
  - жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш
  - билим беришда болларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
  - ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш;

■ Юқоридаги масалаларга Ибн Сино ўзининг “Тадбири манзил” асарининг “Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш” бўлимида тўхталиб, таълим ва тарбия жараёнини очиб берди. Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожланиши унинг камолатга етишишида асосий мезон сифатида талқин қилинади.

■ Ян Амос Коменский биринчи бўлиб ўқитишнинг асосий принципларини, дидактикани педагогикадан ажратиб чикди. Принцип- қўлланган ғоя, асос, қонун. Чех олими “Буюк дидактика” таълимни ташкил қилишда инсон ёшлигига енгил, натижали, қиска муддатда хаётдан керакли билимни олади деб хисоблайди. Шунга асосланиб таълимга 4-та талаб қўйяди

## Омадлиги:

- болаларни ўз вактида ўқитиш;
- мактабда охиригача ўқитиш;
- соддадан муракабгача ўқитиш;
- машғулотни тартиб ва соатларга ажратиш;
- дарсликлар бўйича ўқитиш;
- болаларни хотирасини, нутқини ва қўл ҳаракатларини ривожлантириш;

## Енгиллик:

- таълим олиш ёшлигидан бошланса;
- енгилдан қийингача;
- умумийдан хусусийгача;
- ўқувчиларга тушунтириш, аммо мажбурий ёдлаш керак эмас.
- дарс битта усулда ўтилиши лозим;
- берилган маълумотлар ҳаётда керак бўлиши лозим;

## Асосслик:

- олинган билимлар доимий машқлар билан мустаҳкамланса;
- керакли билимлар олинса;

## Тезлик:

- синф раҳбари бўлса;
- битта фан битта автор бўйича ўтилса;
- битта вазифа бутун синфга берилса;
- битта усулда хамма тиллар ва фанлар ўтилса.

Ян Коменский ўқув жараённи  
босқичларини аниклаган:

сезиш-ёрдамида олам билан  
танишиш(күргазмалилик)

тушуниш-анализ ва синтез

машқлар-амалиётда қўллаш

“Олтин қонуни”: “ҳар бир ўқув  
жараён уч босқичдан иборат:

бошлиш

давом эттириш

охирى”



